

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30/03.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**МАТЧОНОВ ОЙБЕК ҚЎЧҚОРОВИЧ**

**ПАХТА ТЕХНИК ЧИГИТИ НАМЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ  
ЖАРАЁНИНИ ЭНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Матчонов Ойбек Қўчқорович**

Пахта техник чигити намлигини камайтириш жараёнини  
энергетик самарадорлигини ошириш..... 3

**Матчонов Ойбек Қўчқорович**

Повышение энергетической эффективности процесса снижения  
влагосодержания технических семян хлопчатника. .... 17

**Matchonov Oybek Qo‘chqorovich**

Improving the energy efficiency of the process of reducing the moisture  
content of technical cotton seeds..... 31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 34

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30/03.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**МАТЧОНОВ ОЙБЕК ҚЎЧҚОРОВИЧ**

**ПАХТА ТЕХНИК ЧИГИТИ НАМЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ  
ЖАРАЁНИНИ ЭНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1835 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ибрагимов Маткарим**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Юсубалиев Аширбой**  
техника фанлари доктори, профессор

**Бердиев Усан Турдиевич**  
техника фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ҳузуридаги DSc.30/03.12.2019.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020- йил \_\_\_ ноябр соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871)237-09-45; факс: (+99871)237-38-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган) (100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871)237-09-45; факс: (+99871)237-38-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил «31» Октябрь кунини таркатилди.  
(2020 йил «31» Октябрь даги №2 рақамли реестр баённомаси).



**Б.С.Мирзаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**К.Д.Астанакулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби в.б., т.ф.д., к.и.х.

**Х.М.Муратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш жараёнида пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш жараёнлари учун кам энергия истеъмол қилувчи усуллар ва техник воситаларни яратиш долзарб ҳисобланмоқда. “Дунё бўйича ҳар йили 23 млн. тонна пахта хом ашёси етиштирилишини ҳисобга олсак”<sup>1</sup>, пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш ва намлигини камайтириш жараёнида энергия тежамкор технологиялар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш етакчи ўринни эгаламоқда. Мазкур соҳада ривожланган хорижий давлатларда жумладан, АҚШ, Хитой, Япония, Франция, Германия, Ҳиндистон, Бразилия, Россия ва бошқа давлатларда маълум бир ютуқларга эришилган бўлиб, уларда дон, ўсимлик биомассаси ва техник чигит намлигини камайтиришда энергия тежамкор технологиялар ва техник воситаларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш жараёнида техник чигит намлигини камайтириш жараёнининг мақбул технологик кўрсаткичларини танлаш ва усқунанинг иш режимларини асослаш, маҳсулотнинг сифатли тайёрланишини таъминлашнинг самарали методикалари ва илмий техникавий ечимларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда, жумладан техник чигит намлигини камайтиришда электр контактли ишлов бериш усулларида фойдаланиб жараённинг солиштирима энергия сарфини камайтириш, электр контактли ишлов бериш қурилмасининг параметрларини ва характеристикаларини тадқиқ этиш ҳамда пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида кичик замонавий техника ва технологияларни амалиётда қўллаш юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-усқуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш»<sup>2</sup> бўйича вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан Республикамизда пахтани қайта ишлаш соҳасида техник чигит намлигини камайтиришда қўлланиладиган

<sup>1</sup> <http://icac.org/MemberBenefits/Member/Menuld>.

<sup>2</sup> О‘збекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «О‘збекистон Республикасини янада ривожлантириш бо‘йича ҳаракатлар стратегияси то‘ғ‘рисида»ги Фармони

замонавий техника ва технологияларни амалиётда қўллаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-№4947-сон «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахта хом ашёсига дастлабки ишлов бериш технологик жараёнларини мукамаллаштириш, мақбул иш режимларини асослаш, пахтани қайта ишлаш технологик жараёнларида энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини оширишга бағишланган ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижий олимлар, жумладан Chapman W.E., Shaw G.S., Franks S.N., Edith Honold, Trederick R., Ondrems, Мельник Б.Е., Лебедев П.Д., Любарский Л.Н., Кучинская З.М., Лягина Л.А., Любошиц И.Л., Ибрагимов Х.И., Кучерова Л.И., Бурнашев Р.З., Черняков И.Е., Киселёв Н.В. ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологик жараёнларида электротехнологияларни яратиш ва электр қурилмаларни тадқиқ этиш бўйича Раджабов А., Мухаммадиев А., Муратов Х.М., Юсубалиев А., Исақов А.Ж., Музаффаров Ш.М., Хашимов Ф.А., Камалов Н.З., пахта чигитини қуритиш бўйича эса Зупаров Р.И., Нигмаджанов С.К., Сагитов А.М., Парпиев А.П., Ибрагимов Х.И. ва бошқалар шуғулланишган.

Аммо юқорида айтиб ўтилган тадқиқотлар натижаларида пахта хом ашёсини қайта ишлашда линтрлашдан олдин электр контактли ишлов бериб техник чигит намлигини камайтириш қурилмаларининг параметрларини асослаш ва энергия-ресурс тежамкор техник воситаларни яратиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, мазкур иш пахта техник чигити намлигини камайтиришда, линтрлашдан олдин, электр контактли ишлов бериш электр технологияси ва энергетик самарадорлигини ошириш масалалари ечимларини ишлаб чиқишга мўлжалланган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №5.10. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнларида электрофизик таъсирлар ва қайта

тикланувчи энергия манбаларининг назарий асослари ва амалий ечимлари» (2017-2020) мавзусидаги топшириқ доирасида бажарилган.

**Диссертация ишининг мақсади:** электр контактли қизитиш усули билан пахта техник чигити намлигини камайтириш ва жараённинг энергетик самарадорлигини ошириш.

**Тадқиқот вазифалари:**

пахта хом ашёсини қайта ишлаш технологик жараёнлари ва энергия самарадорлигининг таҳлилини ўтказиш;

чигитга иссиқлик ёрдамида ишлов беришнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш;

электр контактли қизитиш ускуналарида солиштирма иссиқлик энергия сарфи ва техник чигит намлигини камайтиришнинг тажриба тадқиқотларини ўтказиш;

электр контактли қизитиш ускунасида солиштирма энергия ва техник чигит намлигини камайтириш жараёнларини ишлаб чиқариш шароитида синовлардан ўтказиш;

таклиф этилаётган электротехнологиянинг энергетик ва техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** техник чигитга электр контактли ишлов бериш солиштирма энергия сарфи ва намлигини камайтириш имконини берадиган техника воситалари.

**Тадқиқотнинг предмети** техник чигитга электр контактли ишлов бериш кўрсаткичлари, солиштирма энергия сарфи ва техник чигит намлигини камайтириш усуллари ва қонуниятлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида электр контактли ишлов бериш назариясининг замонавий усуллари, иссиқлик таъсирининг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш услубларига асосланган тизимли ёндашув тадқиқотларнинг услубий асосидан, тадқиқотни ўтказишда математик таҳлил, эҳтимоллар назарияси, математик статистика, тажриба ва ишлаб чиқариш синовлари услубларидан, техник ускуна самарадорлигини аниқлашда синов натижаларини статистик ва аналитик ҳисоблаш, энергетик ва техник-иқтисодий самарадорликларни баҳолаш услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пахта техник чигит намлигини камайтириш жараёнини электр контактли ишлов бериш асосида энергетик самарадорлигини ошириш имконини берувчи энергия тежамкор электротехнология ишлаб чиқилган;

пахта хом ашёсига дастлабки ишлов беришда пахта техник чигитини ишлаб чиқариш технологик линияси учун электр контактли ишлов бериш ускунаси ишлаб чиқилган;

электр контактли қизитиш ва конвектив шамоллатиш таъсирида намликни камайтириш камерасида чигит қатламидаги иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларинининг имитацион модели ишлаб чиқилган;

электр контактли қизитиш усулида ускунанинг бирламчи кучланиши, ток кучи, иккиламчи кучланиши ва иссиқлик ажралиб чиқишини ҳисобга

олган ҳолда техник чигит намлигини камайтириш жараёнининг режимлари ва параметрлари асосланган;

электр контактли қизитиш усулининг оптимал режимини қўллаш пахта техник чигитини сақлашниш муддатини ошиши ва солиштирма энергия сарфини камайиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пахта хом ашёси техник чигити ишлаб чиқаришини энергия самарадор электр технологияси ва техник воситаси ишлаб чиқилган;

электр контактли ишлов бериб солиштирма иссиқлик энергия сарфини ва пахта техник чигитидан намлигини камайиш жараёнларининг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш имконини берадиган алгоритмлар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларнинг замонавий усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, техник чигит намлигини камайтириш технологияси ва ускунасининг режимлари ва параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган такомиллаштирилган техник воситалар синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти техник чигитга электр контактли ишлов бериб, жараёндаги солиштирма энергия сарфини ва чигит намлигини камайтириш ва сақлаш муддатини ошириш имконини берувчи энергия тежамкор электротехнология ишлаб чиқилганлиги, техник чигит намлигини камайтириш жараёнларига факторларни таъсир қилиш динамикаси аниқланганлиги, техник чигит намлигини камайтиришда электр контактли қизитиш усулидан фойдаланиш услубияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги электр технологияни қўллаш билан 1 тонна пахта техник чигити ишлаб чиқаришга сарфланаётган энергия харажати 33 % гача ва техник чигит таркибидаги намлик эса белгиланган меъёргача камайиши ва чигитни сақланиш муддатининг 25-30 % га ошиши таъминланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта техник чигити намлигини камайтириш жараёнини энергетик самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

пахта техник чигит намлигини камайтиришнинг энергия тежамкор электротехнологияси Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги «Қўшқўпир пахта тозалаш» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2020 йил 16 июндаги 05-20/2114-сонли маълумотномаси). Натижада пахта техник чигитини ишлаб чиқаришда унинг намлигини одатдагидан 6 % га камайтириш имкони яратилган;

пахта техник чигитига электр контактли ишлов бериш ускунаси Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги «Қўшқўпир пахта тозалаш» АЖ да



ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2020 йил 16 июндаги 05-20/2114-сонли маълумотномаси). Натижада бу пахта техник чигитини ишлаб чиқариш технологик линиясида электр энергия сарфини 33 % га камайтиришга имкон берган;

электр контактли қизитиш ва конвектив шамоллатиш асосидаги қуритиш камераси Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги «Қўшқўпир пахта тозалаш» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2020 йил 16 июндаги 05-20/2114-сонли маълумотномаси). Натижада 1000 тонна техник чигит ишлаб чиқаришда иш унумдорлигини 5-7% га ошириш ва иқтисодий самара олиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 7 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 1 таси Scopus базасидаги илмий нашрда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, ишончлиги уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахтани қайта ишлаш технологик жараёнлари ва энергия самарадорлигининг таҳлили, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида хорижий ва республикамизда нашр этилган илмий ишлар шарҳланган. Жумладан, пахта хом ашёсини қайта ишлашда техник чигит ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари, чигитли пахтани қуритиш усуллари ва линтерлаш жараёнида техник чигит ишлаб чиқаришида энергетик самарадорлигини ошириш бўйича имкониятлар, техник чигитларнинг сақлаш муддатини ошириш, сифат кўрсаткичи бўйича намликни меъёргача камайтириш ва линтерлаш даражасини ошишга энг кўп таъсир кўрсатувчи факторлар ва махсулотларда намликни камайтириш усуллари аниқлаш бўйича олиб борилган илмий ва амалий ишлар таҳлили

асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чигитга иссиқлик ёрдамида ишлов бериш жараёнини назарий тадқиқ этиш**» деб номланган иккинчи бобида пахта техник чигити ишлаб чиқаришига таъсир қилувчи факторлар ва уларнинг боғлиқлик ифодалари келтирилган.

Техник чигитнинг намлигини камайтиришнинг янги усули ва услубларини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштириш комплекс масалалар ечишни талаб қилади, яъни техник чигитнинг хоссаларини тадқиқ этиш ва ҳисобга олиш, иссиқликни етказиб бериш ва жараённинг мақбул кўрсаткичларини асослаш, иссиқлик ва масса узатилиши, иссиқлик-масса алмашинуви ҳисоблари, ускуналар конструкциясини асослаш ва ҳисоблаш, жараённи ростлаш ва бошқариш каби масалалар ечимини топишни талаб қилади.

Техник чигит намлигини камайтириш жараёнининг табиатини аналитик усулда ифодалашнинг мураккаблиги туфайли моделлаштириш усуллариининг қўлланилиши тадқиқотларнинг самарадорлигини оширади ва таклиф этиладиган ускунанинг параметрларини асослашга имкон беради.

Техник чигит намлигини камайтириш камераси учун иссиқлик баланс тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$L_x i_0 + Q_{\kappa.\kappa} + c_x W t_0 = L_x i_2 + Q_c + Q_{m.m} \quad (1)$$

бунда:  $L_x$  - қуриштиш камерасига кираётган атмосфера ҳавоси миқдори, кг/с;  $i_0$ ,  $i_2$  - камеранинг кириш ва чиқишидаги қуриштиш агентининг энтальпияси, кЖ/кг;  $Q_{\kappa.\kappa}$  - электр қизитгич қурилмасидан ажраладиган иссиқлик, кЖ/соат;  $c_x$  - қуруқ ҳавонинг иссиқлик сифими, 1кЖ/(кг·°С);  $W$  - камерада бўғланган намлик миқдори, кг/соат;  $t_0$  - чигитнинг намлигини камайтиришдан олдинги ҳарорати, °С;  $Q_c$  - чигитни қизитишга сарфланган иссиқлик, кЖ/с;  $Q_{m.m}$  - ташқи муҳитга исроф бўлаётган иссиқлик, кЖ/с.

(1) тенгламанинг чап томони намликни камайтириш камерасига кирадиган барча иссиқликни англатади: ташқи ҳаво билан, қизитгич қурилмасидан, материалдан намликни буғлатиш билан; ўнг томони – бу умумий иссиқлик сарфи: ишлатилган қуриштиш агенти билан, қизитилган материал билан, қуриштиш камераси тўсиқлари орқали иссиқлик чиқарилиши натижасида атроф-муҳитга сарфланадиган иссиқлик.

Демак намликни камайтириш учун иссиқлик сарфи қуйидагича бўлади, кЖ/кг:

$$Q = Q_{\kappa.\kappa} = L_x (i_2 - i_0) - c_x W t_0 + Q_c + Q_{m.m} \quad (2)$$

Бўғланган намлик учун солиштирма иссиқлик сарфи қуйидагича бўлади, кЖ/кг:

$$q = \frac{Q}{W} = \frac{L_x (i_2 - i_0)}{W} - c_x t_0 + q_c + q_{a.m} \quad (3)$$


бунда:  $q_c, q_{a.m}$  - чигитни қиздириш учун ва атроф муҳитга исроф бўлаётган солиштирма иссиқлик сарфи, кЖ/кг.

Шундай қилиб, чигитни намлигини камайтириш жараёни учун энергия сарфи кўпгина омилларга боғлиқ: намлигини камайтириш керак бўлган материалнинг кириш параметрлари ва иссиқлик агентини параметрлари, намлиги камайтириш керак бўлган материалга иссиқликни етказиб бериш усули, ташқи мухитга иссиқликни исрофи ва бошқалар. Минимал энергия сарфи билан чигитни намлиги камайтириш жараёнини ташкил қилишда барча етказиб берилган иссиқлик чигитни қизитиш ва ундан намликни буғлантиришга унумли сарфланиши керак.

Иссиқлик ва масса алмашув ифодалари ва узатиш функцияларидан фойдаланиб электр контактли қизитиш ва конвектив шамоллатиш таъсирида намликни камайтириш камерасида чигит қатламидаги иссиқлик ва масса алмашув жараёнларини ўрганиш мақсадида компьютерда имитацион модели яратилди. Имитацион модел Matlab Simulink дастуридан фойдаланиб ишлаб чиқилди (1-расм).

Электр контактли қизитиш иссиқлик энергияси ва конвектив шамоллатиш чигит қатламидан ўтади. Чигитни электр контактли усулда намлигини камайтиришда кириш параметрлари  $T_{vh}$  ва  $F_{vh}$  блоклари ёрдамида ўрнатилади.

Электр контактли қизитишда трансформаторнинг қуввати Relay блоки ёрдамида ростланади. Намликни камайтириш камерасидаги чигит ҳарорати  $70^{\circ}\text{C}$  га етганда Relay блоки ёрдамида трансформатор параметрлари ўзгартирилади. Осциллограф чигит қатлами ҳароратининг ўзгариш графигини (Q блок), чигитнинг намлигини (W блок), қуритиш камерасидан чиқишдаги ҳавонинг нисбий намлигини ( $F_{vih}$ ), чигитнинг ҳароратини ( $T_{vih}$ ) кўрсатади.



## **1-расм. Электр контактли қизитиш ва конвектив шамоллатиш таъсирида чигит қатламидаги иссиқлик ва масса алмашинувининг имитацион модели**

Имитацион модель асосида техник чигит намлигини электр контактли усулда камайтириш жараёнининг математик моделлари ва намликни камайтириш камерасидан чиқишдаги чигитнинг ҳарорати ва намлиги аниқланди.

Техник чигит намлигини электр контактли усулда камайтириш қурилмасининг асосий элементи деб қизитиш трансформатори ҳисобланади. Электр контактли қизитиш трансформаторининг параметрлари мавжуд методикалар асосида ҳисобланди. Электр контактли қизитиш трансформаторини қуввати берилган ҳарорат ва техник чигит намлигини камайтириш жараёнидаги қизитиладиган листнинг ўлчамларига боғлиқ равишда ҳисобланди. Чигит намлигини камайтириш учун электр контактли қизитиш трансформаторининг тўла қуввати 698 ВА, иккиламчи чулғамидаги кучланиш 0,39 В, ишчи токи 444 А бўлиши кераклиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Электр контактли қизитиш ускунасида солиштирма энергия сарфи ва техник чигит намлигини камайтиришнинг тажриба тадқиқотлари**» деб номланган учинчи бобида техник чигитни линтрлашдан олдин электр контактли ишлов беришнинг режим ва параметрларини аниқлаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Электр контакт қизитишда техник чигити намлигини камайтиришга таъсирини ифодаловчи асосий факторлар сифатида қуйидагилар қабул қилинди: шнекни айланиш тезлиги ( $n$ ), ҳавонинг тезлиги ( $V_x$ ) ва листнинг ҳарорати ( $t$ ). Электр контактли усул самарадорлигини баҳолаш ва ишлов берилаётган маҳсулотни характерлаш учун солиштирма иссиқлик энергия сарфи ( $q$ ) ва нисбий оғирлик ( $\Delta$ ) қабул қилинди. Пахта техник чигити намлигини камайишига электр контактли қиздиришни ифодаловчи факторлар таъсирини ўрганиш классик усулида амалга оширилди, яъни факторлардан бирини ўзгартириб, қолган иккита факторни ўзгармас (фиксацияланган) ҳолатда сақланди.

2-расмда қиздирувчи юзанинг турли ҳарорат ва ҳаво тезлигининг турли қийматларида намликни буғлатиш учун солиштирма иссиқлик энергия сарфи йиғиндиси тенгламаси коэффицентларининг техник чигитнинг ҳаракатланиш тезлигига боғлиқлиги келтирилган.


2-расмда келтирилган эгри чизиқларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, техник чигитдан намликни буғлатиш учун солиштирма иссиқлик энергиясининг сарфи  $q$  унинг ҳаракатланиш тезлиги ошган сари маълум даражагача (0,92 – 1,12) МЖ/кг пасаяди, ундан кейин оша бошлайди.  $q$  нинг жадал пасайиши ҳавонинг катта тезликларида кузатилади, кичик тезликларда жадаллик пасаяди.

Графиклардан кўринадики, маълум бир ҳавонинг тезлигини қийматида ишлов берилган, намлиги меъёр талабигача камайтирилган техник чигитда,


ишлов берилмаган техник чигитга нисбатан кўпроқ линтерлаш жараёни яхши кечади ва сақлаш муддати ошади.




а



б



в



г

а-қиздирувчи юза ҳарорати  $120^{\circ}\text{C}$ ; б-қиздирувчи юза ҳарорати  $130^{\circ}\text{C}$ ;  
в-қиздирувчи юза ҳарорати  $140^{\circ}\text{C}$ ; г-қиздирувчи юза ҳарорати  $150^{\circ}\text{C}$ ;  
1-  $V_B = 3,5$  м/с; 2-  $V_B = 3$  м/с; 3-  $V_B = 2,5$  м/с.

**2-расм. Қиздирувчи юзанинг турли ҳароратларида намликни буғлатиш учун солиштирма иссиқлик сарфи йиғиндисининг техник чигитнинг ҳаракатланиш тезлигига боғлиқлиги**


Тажрибаларда намликни камайтириш камерасидаги ҳароратнинг вақтга боғлиқлиги ҳам тадқиқ этилди.

Пахта хом ашёсига дастлабки ишлов беришда пахта техник чигитини ишлаб чиқариш линиясида қўлланиладиган электр контактли ишлов бериш ускунасининг бирламчи кучланиши 60 В дан 90 В гача оширилганда, намликни камайтириш камерасидаги ҳароратнинг талаб этиладиган максимал қийматига кучланиш 90 В бўлганда эришилди (3-расм).

Бунда тажрибада олинган натижалар назарий тадқиқотларда олинган натижалар билан ўзаро мос келиши аниқланди.

Ўтказилган дастлабки экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида техник чигит намлигини камайтириш жараёнининг оптимал параметрларини

кўп факторли тажрибаларни режалаштириш усулида аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.



**3-расм. Намликни камайтириш камерасидаги ҳароратни вақтга боғлиқлиги**

Ўтказилган лаборатория экспериментлари асосида ускунанинг илгари асосланган оптимал конструктив технологик ва иссиқлик-физик параметрларидан фойдаланилди. Техник чигитнинг нисбий оғирлиги тажриба бошланишида ва якунида ўлчанди, қиздирувчи юза ва техник чигитни қиздириш ҳарорати назорат қилинди, кейин эса 1 кг намликни буғлатиш учун солиштирма иссиқлик сарфи йиғиндиси аниқланди.

Техник чигит намлигини камайтиришда қиздирувчи юзанинг ҳарорати 128...136 °С, бир марта ўтишда намликнинг камайиши 4...6 %, ускунадан чиқишда чигитнинг ҳарорати 38...58 °С ни ташкил этди.

Бунда 1 кг намликни буғлатиш учун солиштирма иссиқлик сарфи йиғиндиси 0,7 дан 1,5 МЖ гача ўзгаришини эътиборга олиб сақлаш муддатларига таъсири ўрганилди.

Уч факторли экспериментни режалаштириш усулида техник чигит намлигини ва иссиқлик энергия сарфини камайтириш жараёнининг математик модели аниқланди. Техник чигит намлигини электр контактли усулда камайтириш жараёнида нисбий оғирлик ( $\Delta$ ) ва солиштирма иссиқлик сарфини ( $q$ ) ифодаловчи математик модели қуйидаги кўринишда олинди:

$$\Delta = -0,61n^2 - 1,04V_x^2 + 0,04t^2 12,22n + 27,56V_x + 0,2534t + 1,6nV_x + 0,0786nt - 0,193V_x t + 46,63 \quad (10)$$

$$q = -0,01n^2 - 0,004V_x^2 + 0,00013t^2 - 0,275n + 1,672V_x - 0,00264t + 0,00231nt + 0,03nV_x - 0,0132V_x t - 0,666 \quad (11)$$

Математик моделнинг регрессион ва дисперсион таҳлиллари асосида

барча коэффициентлари аҳамиятга эга эканлиги ва математик моделларнинг адекватлиги аниқланди.

Математик модел асосида техник чигит намлигини ва солиштирма иссиқлик энергия сарфи электр контактли усулда камайтириш жараёнининг қуйидаги оптимал параметрлари аниқланди: шнекни айланиш тезлиги  $1,5-2 \text{ сек}^{-1}$ , ҳаво тезлиги  $2,5-2,9 \text{ м/с}$ , лист харорати  $128-136 \text{ }^{\circ}\text{C}$ . Ушбу параметрларда ишлов берилган техник чигит нисбий оғирлиги  $66,7-74 \%$  ва намлиги  $6 \%$ , солиштирма иссиқлик энергия сарфи  $1,11-1,31 \text{ МЖ/кг}$  ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Электр контактли қизитиш уқунасида техник чигит намлигини камайтириш жараёнининг ишлаб чиқариш шароитидаги синовлари, энергетик ва техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бўлимида техник чигит намлигини электр контактли қизитиш уқунасида ишлаб чиқариш электротехнологиясини амалиётда жорий этиш бўйича маълумотлар ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Ишлаб чиқилган техник чигит намлигини камайтириш учун электр контактли ишлов бериш қурилмаси Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги «Қўшқўпир пахта тозалаш» АЖ корхонасида линтрлаш цехида линт ишлаб чиқариш технологик линиясида синовдан ўтказилди. Иқтисодий самарадорлик линт ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологияси ва линтрлашдан олдин техник чигитга электр контактли ишлов бериш қурилмасини қўллаш орқали янги технология бўйича ҳисобланди.

Линтрлаш цехида 5 та линтрлаш усқунаси мавжуд, 5 та қурилманинг 1 марта 1 тонна чигитга ишлов бериш учун сарфланаётган солиштирма электр энергия сарфи қуйидагича ҳисобланади:

$$W_{\text{линт.1}} = \frac{5 \cdot 30,6 \text{ кВт} \cdot 1 \text{ с}}{5 \cdot 0,12 \text{ т}} = 255 \frac{\text{кВт} \cdot \text{с}}{\text{т}} \text{ (мавжуд технология бўйича).}$$

$$W_{\text{линт.2}} = \frac{5 \cdot 30,6 \text{ кВт} \cdot 1 \text{ с}}{5 \cdot 0,12 \text{ т}} + \frac{1,8 \text{ кВт} \cdot 1 \text{ с}}{0,6} = 258 \frac{\text{кВт} \cdot \text{с}}{\text{т}} \text{ (таклиф этилаётган технология бўйича).}$$

Мавжуд технологияда чигитни стандарт талаби бўйича 3 марта линтрлаш қурилмасидан ўтказилишини ҳисобга олганда, 1 тонна чигитга сарфланаётган электр энергияси  $765 \text{ кВт} \cdot \text{с/т}$ , таклиф этилаётган технология бўйича чигитни намлигини камайтириш ҳисобига линтрлаш усқунасида 2 марта ўтказилади ва 1 тонна чигитга сарф бўладиган электр энергияси сарфи  $516 \text{ кВт} \cdot \text{с/т}$  ташкил этди.

Мавжуд ва таклиф этилаётган технология бўйича 1 тонна чигитга ишлов бериш учун сарфланаётган солиштирма электр энергия сарфининг фарқи қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta W = W_1 - W_2 = 765 - 516 = 249 \frac{\text{кВт} \cdot \text{с}}{\text{т}}$$

Чигитни линтерлашдан олдин электр контактли қиздириш қурилмасини қўллаш натижасида 1 тонна чигит намлигини камайтиришда 249 кВт·соат электр энергия тежаллади.

Бажарилган ҳисоблар шундан далолат берадики, таклиф этилаётган электр технология жараёни оптимал ташкил этиш ҳисобига энергия учун ҳаражатларни камайтиришга имкон беради. Бу эса ишлов берилган техник чигит ҳисобига йилига 1000 тонна техник чигит ишлаб чиқаришда 73319800 сўм иқтисодий самарага олиб келади.

## ХУЛОСА

«Пахта техник чигити намлигини камайтириш жараёнини энергетик самарадорлигини ошириш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнларида техник чигит намлигини камайтириш усуллари ва воситаларининг таҳлили пахтадан ажратиб олинган техник чигитнинг намлигини камайтириш билан бирга унинг сақланиш муддати ва ундан олинган мой миқдорини оширишни таъминлайдиган энергия тежамкор электр технология ва усқунани ишлаб чиқиш имконини яратди.

2. Иссиқлик ва масса алмашув ифодалари ва узатиш функцияларидан фойдаланиб электр контактли қизитиш ва конвектив шамоллатиш таъсирида намликни камайтириш камерасида чигит қатламидаги иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини ўрганиш имитацион модели қуриш камерасидаги ҳароратни унинг узунлиги бўйича ўзгариши ва 1 кг намликни буғлатиш учун солиштирма иссиқлик энергия сарфини аниқлаш имконини берди.

3. Берилган ҳарорат ва техник чигит намлигини камайтириш жараёнидаги электр контактли қизитиш трансформаторини тўла қуввати, қизитиладиган листнинг ўлчамларига боғлиқ равишда 698 ВА, иккиламчи чулғамидаги кучланиш 0,39 В, ишчи токи 444 А бўлиши кераклиги аниқланди.

4. Техник чигит намлигини ва солиштирма иссиқлик энергия сарфини камайтиришда шнекни бурчак тезлиги  $1,5-2,0 \text{ с}^{-1}$ , ҳавонинг тезлиги  $2,5-2,9 \text{ м/с}$  ва листнинг ҳарорати  $128-136 \text{ }^{\circ}\text{С}$  бўлиши мақбул бўлиб, бунда чигит намлиги нисбий оғирликга нисбатан 66,7-74 % (намликка нисбатан 6 % га) камайишига, чигит намлигини камайтириш учун солиштирма иссиқлик энергия сарфи 1,11-1,31 МЖ/кг ташкил этишига эришилади.

5. Техник чигит намлигини камайтиришнинг таклиф этилаётган электр технологияси ва усқунаси жорий этилганда, намликни буғлатиш учун солиштирма электр энергияси сарфини 1,2...1,4 марта камайтириш ва 1000 тонна техник чигит ишлаб чиқаришда 73319800 сўм иқтисодий самара олишга имкон беради.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30/03.12.2019.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**Матчонов Ойбек Кучкорович**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА  
СНИЖЕНИЯ ВЛАГОСОДЕРЖАНИЯ ТЕХНИЧЕСКИХ СЕМЯН  
ХЛОПЧАТНИКА**

**05.05.07 – «Электротехнологии и электрооборудование в сельском хозяйстве»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.3.PhD/T1835.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Ибрагимов Маткарим**  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Юсубалиев Аширбой**  
доктор технических наук, профессор

**Бердиев Усан Турдиевич**  
кандидат технических наук, профессор

**Ведущая организация:** Ташкентский институт текстильной и лёгкой промышленности

Защита диссертации состоится «\_\_» ноября 2020 г. в \_\_ часов на заседании научного совета DSc.30/03.12.2019.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер \_\_). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

Автореферат диссертации разослан «31» Октябрь 2020 года.  
(протокол рассылки № 2 от «31» Октябрь 2020 г).



**Б.С.Мирзаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней доктора наук, д.т.н., профессор

**Д.К.Астанакулов**

И.о. научный секретарь совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

**Х.М.Муратов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктора наук, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время, во всем мире, одной из актуальных задач является создание малоэнергоёмких методов и технических средств в процессах первичной переработки сельскохозяйственной продукции и хлопка-сырца. «Если учесть, что по всему миру ежегодно производится более 23 млн. тонн хлопка сырца»<sup>1</sup>, огромное значение имеет использование и внедрение перспективных энергосберегающих технологий и технических средств в процессах первичной обработки, снижения влажности хлопка - сырца и технических семян. В развитых зарубежных странах в том числе США, Китае, Японии, Франции, Германии, Индии, Бразилии, России и других, в данной сфере имеется ряд достижений в которых уделяется особое внимание использованию энергосберегающих технологий и совершенствованию технических средств для уменьшения влажности семян.

При первичной обработке хлопка в мировой практике, обоснование рабочих режимов установок и выбор оптимальных технологических показателей процесса уменьшения влажности технических семян создает необходимость разработки современных методик и имеет важное значение для нахождения научно-технических решений с целью обеспечения качественной подготовки сырья.

В этом направлении проблема повышения энергетической эффективности технологических процессов, а также снижение влажности технических семян хлопка использованием электроконтактного нагрева, при снижении удельных расходов энергии, является одной из важнейших задач технологии первичной обработки хлопка-сырца.

В Республике проводятся широкомасштабные меры по применению малой современной техники и технологий в сфере переработки сельскохозяйственной продукции. В стратегии дальнейших действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в том числе намечены задачи «Реализовать инвестиционные проекты по строительству новых предприятий, реконструкции и модернизации существующих предприятий, оснащенных современными высокотехнологичными приборами и аппаратами по глубокой переработке сельскохозяйственной продукции, по производству полуфабрикатов и готовых к употреблению пищевых продуктов, а также по их упаковке»<sup>2</sup>. Одной из важных вопросов реализации этих задач является практическое применение современной техники и технологий, используемых

---

<sup>1</sup> <http://icac.org/MemberBenefits/Member/MenuId>.

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni

для снижения влажности технических семян при переработке хлопка в республике.

Исследования по теме данной диссертации служат для реализации задач поставленных в Распоряжении Президента Республики Узбекистан от 6 марта 2020 г. ПК-4633 “О мероприятиях по широкому внедрению рыночных отношений в хлопководстве”, а также в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года ПФ-№4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

**Связь исследований с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики.** Исследования выполнены в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики П. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Уровень изученности проблемы.** По проблемам совершенствования технологических процессов предварительной обработки хлопка сырца, обоснованию оптимальных рабочих режимов, энергосбережению и повышению энергоэффективности технологических процессов переработки хлопка-сырца в теоретическом и практическом плане выполнены исследования рядом зарубежных авторов, в том числе, Chapman W.E., Shaw G.S., Franks S.N., Edith Honold, Trederick R., Мельник Б.Е., Лебедев П.Д., Любарский Л.Н., Кучинская З.М., Лягина Л.А., Любошиц И.Л., Ибрагимов Х.И., Кучерова Л.И., Бурнашев Р.З., Черняков И.Е., Киселёв Н.В. и другими учеными.

